ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

“Шарқ” нашриётида ўзбек ва рус тилларини ўрганувчи кичик ёшдаги болалар учун матни икки тилда (ўзбекча матн лотин алифбосида)ги қизиқарли рангли китобчалар ҳамда ўзбекча-русча ва русча-ўзбекча ўқув луғати чоп этилди.

Маълумот учун телефон: 136-55-68.

TIL VA ADABIYOT TA'LIMI

№ 1, 2005

МУНДАРИЖА

"YIL O'QITUVCHISI – 2004" KO'RIK-TANLOVI

Ўғилой МАВЛОНОВА. Баркамол авлод устозлари 3

METODIKA

Ra'no YO'LCHIBOYEVA. 7-sinfda "Bog'lovchilar" mavzusi bo'yicha mustahkamlash darsi 5

Qahramon TO'XSANOV. Sayfi Saroyi hayoti va ijodini o'rganishda ko'rgazmalilik 11

Bahrom UMAROV. Alisher Navoiy qit'alarining talqini 16

Akbarali SABIRDINOV. Umumta'lim maktablarida Oybek she'rlarini o'rganish 21

TILSHUNOSLIK

Тўлқин АСАДОВ. Равишлардаги "соддаланиш" ҳодисаси хусусида . 25

Азамат ПАРДАЕВ. Вақт маъносини билдирувчи функционал кўмакчиларнинг айрим услубий хусусиятлари ҳақида 27

QIYOSIY TILSHUNOSLIK

Кундуз САПАРОВА. Фоностилистика, фоностилема ва талаффуз услублари 32

ADABIYOTSHUNOSLIK

Жамила НУТФУЛЛАЕВА. Навоий шеъриятида мухаммаснинг ўрни .. 37

Назора БЕКОВА. Навоийнинг девон тузиш маҳорати хусусида 39

F.МУРОДОВ. "Кеча ва кундуз" романининг бадиий қатламлари 42

Саъдулла МАТЁҚУБОВ. "Фано ва бақо" ҳикоясида инсон руҳияти ифодаси 46

Манзура ПИРНАЗАРОВА. Улуғбек Ҳамдамнинг "Мувозанат" романида полифоник тафаккур ва услуб 50

Маҳфуза ДАВРОНОВА. Халқ дардида ёнган шоир 55

Гулсанам ХОЛИҚУЛОВА. Очилдимурод Мирийнинг "Рустам ва Сўҳроб" достони поэтикаси 57

Абусаид АБДУЛЛАЕВ. "Бўлар жаҳон обод бизга, эрур бўлса ватан обод" 62

Дилшод АҲМЕДОВ. Ўзбекнинг халқчил шоири 66

MA'NAVIY QADRIYATLARIMIZ

С.СОЙИПОВ. "Қиссаи Сайқалий" асари ва унинг манбалари 69

TARJIMASHUNOSLIK

Н.ЎРМОНОВА. Таржимада тарихий-архаик лексикани акс эттириш тамойиллари 73

ILMIY AXBOROT

Шуҳрат АБДУЛЛАЕВ. Ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги ***бош қотирмоқ*** ибораси ҳақида 78

AMALIY FOYDALANISH UCHUN

Ra'no TOLIPOVA. Ta'lim boshqa tillarda olib boriladigan maktablarda o'zbek tili fanidan 6-7-sinflar materiallarini rejalashtirish 81

Raim FARHODIY, Kavsar TURDIYEVA. She'rlar. 84

NUQTAI NAZAR

Зуҳриддин ИСОМИДДИНОВ. Ўзбек тилида товушлар интенсивлиги 86

ETIMOLOGIYA

Носиржон ОХУНОВ. Антропотопонимлар ва уларнинг ясалиши 90

SO'RAGAN EKANSIZ

Рустамжон ТОЖИБОЕВ. Шоир Завқий қачон вафот этган? 95

БАРКАМОЛ АВЛОД УСТОЗЛАРИ

Шу йил 24-27 январь кунлари пойтахтимиздаги А.Навоий номли Республика нафис санъат лицейида "Йил ўқитувчиси – 2004" кўрик-танловининг республика якунловчи босқичи бўлиб ўтди. Бу йилги танлов янги таҳрирдаги Низом асосида ўтказилди. Низом шартларига кўра, республикамизнинг 14та ҳудудидан ташриф буюрган 14 нафар ўқитувчининг билим ва маҳорати, муаммоли ҳамда анъанавий дарс машғулотлари, ўз фани ва мамлакатимиз таълим тизими, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ислоҳотлар моҳиятини қай даражада тушуниб етганлигини белгиловчи тест саволларига берган жавоблари ҳамда мураккаб педагогик-психологик вазиятдан чиқиш йўл-йўриқларини намойиш этишлари орқали аниқланди.

Асосий эътибор, албатта, ҳар бир иштирокчининг дарс ўтиш маҳоратига қаратилди.

Кўрик-танлов иштирокчиларининг тўрт нафари она тили ва адабиёт, бир нафари инглиз тили фани ўқитувчиси эканлиги бизни мамнун этди. Булар: Андижон вилояти Жалақудуқ туманидаги 20-мактаб ўқитувчиси Раъногон Йўлчибоева, Навоий вилояти Кармана туманидаги 20-мактаб ўқитувчиси Маҳлиё Саидова, Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги 52-мактаб ўқитувчиси Шаҳло Чўтбоева, Фарғона вилояти Учкўприк туманидаги "Зиё" ихтисослашган мактаб ўқитувчиси Муҳаббатхон Тожибоева ҳамда Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги 5-мактаб инглиз тили ўқитувчиси Барно Дўсчановалардир. Бошқача қилиб айтсак, иштирокчиларнинг катта қисмини тил ва адабиёт ўқитувчилари ташкил этди.

Низомга асосан, ҳар бир иштирокчи икки турдаги, яъни муаммоли дарс ва анъанавий дарс ўтиш намуналарини кўрсатиши керак эди. "Муаммоли дарс"ларда ўқитувчилар фавқулодда педагогик маҳоратларини намойиш этдилар, чунки бу дарсларнинг мавзуси ва синфи бир кун олдин қуръа ташлаш йўли билан аниқланди.

Аслини олганда, ҳар қандай таълим ўқувчи учун муаммодир, чунки у таълим олиш жараёнида ҳозиргача номаълум бўлган нарса билан танишади ва маълум тушунчаларга эга бўлади. Бунинг учун ўқитувчи ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятида му-

Азизбек, Ражаббек, Ниёз қушбеги каби тарихий ҳамда тўқима образлар ҳаракат қилади. Бу қаҳрамон, персонажларнинг ҳар бири индивидуал қиёфага, бадиий структурага эга бўлиб, уларнинг характери, онг даражаси, дунёқараши романдаги етакчи бадиий концепцияни юзага чиқаришга, ойдинлаштиришга қаратилган.

"Кеча ва кундуз" романи бадиий матнининг асосий қисмида Ватан, халқ, миллат дардидан узоқда турган (Акбарали мингбоши), шу юрт, халқ мутелигини мустаҳкам сақламоқчи бўлган (ноиб тўра), манқуртлик психологиясини ўзида тўла мужассам этган (Раззоқ сўфи), оила, муҳит маҳдудлиги исканжасига тушган (сўфининг қизи - Зеби, мингбошининг хотинлари - Хадичахон, Пошшохон, Султонхон) образлари туради. Бунинг асосий сабаби деб "Ўткан кунлар"даги етакчи қаҳрамонлардан бири Юсуфбек ҳожи сўзлари билан айтганда, Туркистоннинг *"ҳалокат чуқурига бориб қолгани, наслнинг бўйнига ўрис бўйиндирилгининг кийдирилгани"*[4], яъни Ватаннинг мустамлака ҳолига тушиб қолганида деб билмоқ керак.

Шу маънода "Кеча ва кундуз"ни фожиавий ёки фожиалар ҳақидаги роман дейиш мумкин. Мамлакат, халқ, миллат фожиаси бадиий матн сюжети майдонида турган ҳар бир қаҳрамон, персонажга ўз таъсирини, ҳукмини ўтказиб тургандек, бахтсиз, эрксиз халқнинг фарзандлари бахтиёр, эркин яшашга ноил эмас. Бу ғоя романдаги ҳар бир бадиий образ характери, қисматида ўз тасдиғи, ифодасини топган. Мустамлакачилик сиёсати, оғир иқтисодий шарт-шароит, мутелик психологияси Туркистонда яшовчи оилалар ва уларнинг аъзоларига ўз ҳукмини ўтказиб бўлган. Романдаги Раззоқ сўфи, Холмат, Салтанат, Ўлмас каби персонажлар тирикчиликнинг оғир юки остида эзилган, жабрдийда кишилар вакилларидир. Улар зулмкор ва истиқболсиз турмушнинг сабаблари, моҳиятини очиш, ҳатто муҳокама қилишга ожиз.

Романнинг бадиий концепцияси марказига қўйилган жадидчилик дунёқараши, ғоявий мундарижаси, идеаллари "фикрлаш доираси чекланган", "янги буржуа одами" (пахта заводи хўжайинларидан бири, бир неча дўкони бор) Мирёқубга, Акбаралининг итоаткор мирзаси Ҳакимжонга ўз таъсирини ўтказа боради. Романдаги бу кишилар руҳий-маънавий оламида жадидчилик, унинг ғоя-идеаллари таъсирида муайян бир эврилишлар, сифат ўзгаришлари содир бўла бошлайди.

Шундай қилиб, роман муаллифи фожиалар, азоб-уқубатлар гирдобида қолган халқ ва унинг ҳаётини бадиий тасвирлаш

билан кифояланиб қолмай, жадидчилик ҳаракати ва идеаллари таъсирида уйғонаётган тафаккур тадрижини ҳам матн ҳудудига киритган.

Ғ.МУРОДОВ,
филология фанлари номзоди,
Бухоро Давлат университети доценти.

1 Чўлпон. Яна олдим созимни. Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.
2 XX аср ўзбек адабиёти тарихи. Чўлпон. Т.: Ўқитувчи, 1999. 188-б.
3 Д.Қуронов. Чўлпон поэтикаси (насрий асарлари асосида). Докторлик дисс. автореф. Т., 1988, 26-б.
4 Ўша асар. 52-б.

"ФАНО ВА БАҚО" ҲИКОЯСИДА ИНСОН РУҲИЯТИ ИФОДАСИ

Маънавий-ахлоқий зиддиятлар ҳозирги кун ҳикоячилигимиз меҳварини ташкил этмоқда. Бу нарса адибларимизнинг буткул диққат-эътибори, бадиий нигоҳи шахс руҳиятига, қалбига, бекарон[1] кўнгилга кўчганлигидан далолат беради. Яъни, инсон қалби адабиётнинг улкан дошқозонига айланди. Инсон кўнглида кечаётган бўронлар, буҳронлар, тўфонлар таҳлили орқали жамият тартибларига, воқелик жараёнларига, кишилар ўртасидаги мулоқот оқибатларига муносабат билдириш, бадиий-эстетик баҳолаш бугунги кунда етакчи тамойиллардан бири бўлиб қолмоқда.

Демак, шахсни ижтимоий-психологик йўналишда таҳлил қилиш бадиий-эстетик тадқиқотчиликнинг муҳим хусусиятларидан бирига айланди. Масалан, Асқад Мухторнинг "Фано ва бақо" ҳикоясида кўнгил деб аталган бекарон, зим-зиё дунёнинг бир кўчасига нигоҳ ташланади. Эътибор берсак, адиб умрининг сўнгги йилларида яратган ҳикояларида ("Фано ва бақо", "Чодирхаёл", "Жинни" ва ҳ.з.) фожиавий оҳанг кучли. Конфликт ва характерларнинг фожиавийлигидан ташқари, бадиий талқиндаги бундай фожиавий ифода йўсини ёзувчининг аввалги босқич изланишларида кўринмаган эди. Дарвоқе, ижтимоий ҳаётдаги ёвузликларни ҳаққоний акс эттириш учун дунёнинг фожиавий руҳини тўғри ифода эттира олиш лозим. Асқад Мухтор мазкур ҳикояда ҳаётнинг шафқатсизлиги олдида довдирамасликка, эсанкирамасликка даъват қилаётгандек туюлади. Чунки кўнгилдаги санчиқлар, дилимиздаги оғриқлар қанчалик

ўкинчли ва аламли бўлмасин, ҳақиқат, эзгулик ва адолат ундан баланд.

"Фано ва бақо" ҳикояси қуйидаги сатрлар билан якунланади: *"Ҳа, у ҳам тирик, бу ҳам тирик. Энди, то охиратгача улар бир-бирларини таъқиб қиладилар. Яна олдинда умр, яна ҳаёт, яна гуноҳ, яна жиноятлар... Азобли йўлни барибир босиб ўтиш керак. Фанода ҳам, Бақода ҳам Худованд бир инсонга икки дунёни бериб қўйибди. Аммо имонни бой берганга иккаласи ҳам ҳаром экан..."*[2]. Ҳикоянинг фожиали фалсафий мағзи ана шу сўнгги жумлада мужассамлашган. Имонини куйдирган, имонини йўқотган, имонини бой берган - икки дунёсини барбод этган кимсалар ким ўзи? Одатда, жаҳон классикасининг фожиавий асарлари қаҳрамонларнинг ўлими билан якунланар эди. А.Мухтор ҳикоясидаги имонсиз Холхўжа ҳам, Очил ҳам бир-бирини тириклай "бўғизлади". Тириклай "чавақлади". Лекин, ҳар иккиси ҳам тирик қолади. Ҳаёт деганлари шу экан-да. Йўқса, тўппа-тўғри йўлда кетатуриб, тўсатдан чалишиб йиқилган одам ўлиб кетиши ҳеч гап эмас. Ажали етса, куни битса, шу-да. Юриб тургандами, ўтирган пайтидами, осмонда учиб кетаётган аснолардаги дорилбақога риҳлат этиши - Аллоҳнинг иродаси. Бандаси бунда ожиз.

Трагедия жанридаги катарсис ҳолати, яъни қаҳрамонларнинг маънавий-руҳий эврилиши, покланиши асноларидаги ҳайрат, қўрқув, даҳшат бугунги ўзбек ҳикоячилигида психоанализ - руҳиятлар таҳлили тарзида зоҳир бўлаётир. Асқад Мухторнинг "Фано ва бақо" ҳикоясида ана шу сифат ўзгаришининг кўркам инкишофини кўрамиз. Ҳикоя қаҳрамонлари Холхўжа билан Очил тасодифан, зилзила сабаб зах, қоронғи ертўлада қолиб кетишади. Чиқишга йўл йўқ. Бино бузилиб, эшигу туйнуклари тупроқ остида кўмилиб кетган. Иккиси узоқ муддат очнаҳор ер остида кўмилиб қолади. Танишишади, ўлиб қолмаслик учун бир-бирига ёрдам ҳам беришади.

Жаҳон классикасининг трагедия жанри намуналарида фожиа, одатда, анъанавий учликлар зиммасига юкланар эди. Эндиликда, зилзилалар ўчоғи вулқонлар бағрига яширингани каби, фожиалар маркази кўнгиллар тубига чўкди. Аллоҳнинг қаҳридан қўрқмасдан гуноҳга ботган осий бандалар виждон азобидан қутулиш учун дилини поклашга тутинади. Дастлаб Холхўжа ўз гуноҳини изҳор этади. Қандай қилиб бегуноҳ бир кимсани одам ўлдиришда айблаб, туҳмат билан қаматиб юборганини сўзлаб беради. Очил ҳам ўз айбини бўйнига олиб, Холхўжага кечмишини гапиради. *"...Қисқа умримизда шунча гуноҳ!*

Минг йил яшасак нима бўлардикин? Даҳшат! Ёш экансиз - билмайсиз: ҳаёт ўлимдан ёмонроқ. Мен не вақтдан бери шуни ўйлаб, бошим ёрилай деяпти. Ҳаёт зарарли, одам шундай ўлади, асли. Аммо-лекин дорилбақо... остонасида турган киши учун фанонинг ўзи ҳам, у туғдирган мудҳиш гуноҳлар ҳам ҳеч нима эмас. Фақат уларни дунёга ташлаб кетиш керак" (98-бет).

Бир сўз билан айтганда, Холхўжа ҳам, Очил ҳам - шаънини, қадрини нафсга алмаштирган бандалар. Айбига иқрор бўлиш, тавба-тазарру у дунёсини обод, охиратини саодат этади, деб билади. Энг муҳими ва даҳшатлиси шундаки, улар ўз қилмишига ўзи адолат юзасидан баҳо беришга интиладилар, виждон азоби - адолат мезони деб тушунадилар.

Қаҳрамонларнинг гуноҳи тарихи - бу ожиз банданинг феъли-атворидаги нуқсонми? Ёки қилмиш-қидирмиш, ёзуқи шумикан? Ўзига қолса, табиатидаги қусури - енгил ҳою ҳавасларга мойиллик шунчалар фожиага олиб келишига индамай қараб турармиди? Тўғри, беайб парвардигор. Лекин бандаи мўмин бир қоқилса, мункиб юз тубан кетиши, гуноҳи азим чоҳига чалқанча йиқилиши шунчалар тез кечадими? Ҳа, дарвоқе, қачон у ўз шаънини оёқ ости қилган, қадрининг юзига тупурган эди? Холхўжа ҳам, Очил ҳам, сиртдан қараганда, одамлар кўзи ўнгида бамисоли фаришта, қўй оғзидан чўп олмагандек, сутдек оппоқ, ҳаводек мусаффо. Бироқ, улар нафс арзандаси, нафс газандаси. Улар ўз иродасининг эгаси эмас. Уларнинг ақли-шуурини гуноҳ бошқаради. Ўша гуноҳини яшириш учун, одамларга билдирмаслик учун ҳар иккиси яна бошқа гуноҳлар ботқоғига бир-бирини тортиб кириб кетади. Аввал нафс қули бўлган эса, эндиликда ўз гуноҳларининг қулига айланишади.

Холхўжа ҳам, Очил ҳам қилиб қўйган гуноҳининг ландовур томошабини эмас. Яъни бошига ўзи қор ёғдириб, яна ўзи уни курашга чоғланади. Ва не афсус-надоматки, ана шу покланиш ҳолатида янада тубанликка йиқилади. Ўз қадрини ўзи хор қилади. Бу хил усти ялтироқ, ичи қалтироқ одамлар тоифаси қаёқдан пайдо бўлди? Атроф-теварагидаги одамлар-чи, яқин касбдошлари-чи? Жамиятнинг ўзи қоғоз гулга ўхшамайдими? Сирти жимжимадор, ботини бижғиган мағзава монанд?

Ҳар икки қаҳрамон жамиятда, одамлар ўртасида тутган эътибор-мавқеига путур етказмаслик, доғ туширмаслик учун жони ҳалак. Ана шу қўрқув ҳисси, одамлар кўзи ўнгида ўз қадрини туширмаслик туйғуси галдаги фожиага олиб борувчи қалтис қадамларни келтириб чиқаради. Холжўжа - Очилнинг, Очил эса Холхўжанинг айбидан воқиф. Бир-бирига дўст бўлиб айтган

иқрорлари эндиликда бир-бирини йўқотиш, ўлдириш ниятини юзага чиқаради. Боиси, бир-бирининг сиридан хабардор-да. Гуноҳларини ҳеч ким билмаслигини, ойдан оёғини узатиб тушгандек фаришта монанд юришни истайдилар. Бири иккинчисининг гуноҳини - жиноятини айтиб қўйиши мумкин-да. Қўрқув, ҳадик-хавотир, номаълум даҳшатли эртанги кун олдида юрагини ҳовучлаб яшаш - бу ҳамма нарсадан оғир.

Бир-биридан шубҳаланиш, гумонсираш сабоқ эмас, балки галдаги мудҳиш оқибатни келтириб чиқаради. Демак, шубҳа-гумон фожианинг ички тадрижини намоён этаётир, таъминлаётир. Холхўжа Очилнинг таомига заҳар қўшиб қўяди; Очил эса, ўз навбатида, Холхўжанинг тоғдан тушадиган машинасининг тормозини бузиб қўяди. Очил заҳарланиб ўлиши, Холхўжа эса машинаси билан тоғдан қулаб тушиб ҳалок бўлиши керак эди. Ва лекин, ҳар иккиси яна бахтли тасодиф туфайли омон қоладилар.

Лекин аввалги мошдек кичкина қўрқув эндиликда даҳшатга айланди. Энди у эртага яна қанақа фожиаларни келтириб чиқарар экан? Эртанги кун ёруғ, саодатманд бўлишига кафолат йўқ-да. Боиси, ҳар икки қаҳрамон бир-бирига сирдош биродар эмас, кўришга кўзи, отишга ўқи йўқ муросасиз ғаним. Энг катта фожиа ҳар икки қаҳрамон ўз қилмиши ва кечмишини, кўнгилга тугилган эртанги қабоҳатларни ҳам адолат нуқтаи назаридан баҳоламоқчи бўлаётганидир. Ана шундай аянчли, ёвуз ҳолатда ҳам ҳар иккиси ўзини ҳақ деб билади. Демакки, ҳар икки қаҳрамоннинг руҳий таназзули, маънавий ўлими жамиятнинг ноқислигидан, ахлоқий қадриятлар барбод этилган жамиятнинг ноқислигидан бир далолатдир. Уят - ўлимдан кучли. Ваҳоланки, Холхўжа ҳам, Очил ҳам ўзини тириклайин гўрга тиқаяпти. Уятсизлик, шармандалик ҳар иккисининг ҳаёт тарзи, одатий тириклик йўсини бўлиб қолди.

Руҳий покланиш оқибатида қаҳрамонларнинг ўз бошига солган фожиавий "савдо" - кўргуликнинг ахлоқий сабоқлари нимада? Ҳар икки фожиали тақдирлардан қандай маъно ўқиш мумкин? Фожианинг адолатли жиҳати шундаки, у ҳаётий муҳит, жамиятнинг ахлоқий шароити. У шундай бир ахлоқий қонуниятки, бани одам ўз иқтидорини тўғри йўналишга солса, гуллаб-яшнаб кетади. Ва, аксинча, ўзлигини унутса, не-не ғалваларни, кўз кўриб қулоқ эшитмаган савдоларни бошига сотиб олиши ҳеч гап эмас.

Ёвузлик ҳам ана шундай руҳий муҳит. Уни ўз кўнглида гуллаб-яшнатадиган ҳам, қовжиратиб сўлдирадиган ҳам одамнинг

ўзи. Ёвузлик шундай бир куч-қудратки, одамдаги одамийликни товонининг тагида эзиб, мажақлаб ташлайди. Одамдаги буюк яратувчилик салоҳиятини, муҳаббатини чалажон, мажруҳ этади. Одамнинг қушдек эркин руҳи қанотларини синдиради. Қўрқув, ҳадик-хавотир, шубҳа-гумон - инсон эркини харобага айлантирган, қириб-қийратган бир ялов. "Мен ғолибман", "мен эркинман", деган одам ўзини ўзи алдайди. Негаки, унинг ичида музаффар қўрқув ҳукмрон.

"Бир хил беморлик жомасини кийган бу икки киши, икки шумшук - ит-мушук. Улар бу дунёда бир-бирларини кўрмаслик учун қолган умрларини беришга тайёр эдилар. Олдинга бир қадам қўймай, тикилиб қолишди. Узоқ, узоқ тикилишди. Ё, раб, сен ҳам қайтдингми, сен ҳам тирикмисан?! деган хитоб бор эди иккаласининг ҳам кўзларида. "Бўлмаса, ертўладаги гапни овоза қилишни энди кўр!" дер эди иккаласи ҳам ичида. Ва ҳамон тикилишар эди" (105-бет). Руҳан покланиш ниятидаги ҳар икки ҳамсоя яна гуноҳи азимга ботди-ку. Демак, руҳан эврилиш маънавий покдоманликсиз ҳеч экан-да. Имон саломатлиги - бани одамнинг икки дунёсини зийнатловчи шаъни, давлати. Уни бой берган кимсанинг ҳар икки дунёси унут.

Ёзувчи китобхоннинг бундай хулосага келиши учун асар қаҳрамонлари руҳиятидаги кечинмаларни бутун зиддиятлари билан чизиб беради. Бу эса жамиятимиз кишилари маънавиятини шакллантириш учун жуда муҳимдир.

Саъдулла МАТЁҚУБОВ,
Нукус Давлат педагогика институти ўқитувчиси.

---

1 Чексиз, ҳадсиз, баҳосиз, қирғоқсиз.
2 Асқад Мухтор. Фано ва бақо. Ҳикоя. // "Шарқ юлдузи" журнали, 1992, 6-сон, 150-б. Кейинги мисоллар шу манбадан олинган бўлиб, қавс ичида бети кўрсатилган.

УЛУҒБЕК ҲАМДАМНИНГ "МУВОЗАНАТ" РОМАНИДА ПОЛИФОНИК ТАФАККУР ВА УСЛУБ

Истеъдодли олим, шоир, нôсир ва таржимон Улуғбек Ҳамдам "Мувозанат" (1997), "Исён ва итоат" (2002-2003) романлари билан эл назарига тушди[1]. Асарлар хусусида қутлов, тақриз, мулоҳаза, муносабат, таҳлил, талқин, баҳс характеридаги